



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2021 йил 24 октябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловда Шавкат Мирзиёев ишончли ғалаба қозонгани муносабати билан унинг номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига фаровонлик, тинчлик-осойишталик ва равнақ тилаклари изҳор этилган.

Россия Президенти Владимир Путиннинг табрикомасида овоз бериш натижалари Шавкат Мирзиёевнинг юксак сиёсий обрўини, Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва унинг манфаатларини халқаро майдонда ҳимоя қилишга қаратилган сиёсати қўллаб-қувватланаётганини тўла-тўқис тасдиқлагани таъкидланган.

“Сиз мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашга катта шахсий ҳиссангизни қўшяпсиз. Биргаликдаги сазй-ҳаракатлар билан бундан буён ҳам шериклигимизни турли соҳаларда кенгайтиришимиз, минтақа ва глобал кун тартибидagi долзарб масалаларни ҳал этишда конструктив ҳамкорлик қилишимизга ишонаман. Бу, ҳеч шубҳасиз, Россия ва Ўзбекистоннинг дўст халқлари манфаатларига жавоб беради. Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлиқни таъминлаш мақсадларига мос келади”, дейилади Россия етакчисининг мактубида.

ХХР Раиси Си Цзиньпин ўз қутловида Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатидаги фаолияти даврида мамлакатимиз жадал ривожланишга эришгани, янги қиёфа касб этаётгани ҳамда шу орқали Марказий Осиёда барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга муҳим ҳисса қўшаётгани таъкидланган. Ўзбекистон давлат қурилишининг барча соҳаларида янги муваффақиятларга албатта эришади, деб ишонч билдирилган.

“Мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик солномасида Сиз билан биргаликда янги саҳифа очиш учун барча сазй-ҳаракатларни қаратишга тайёрман”, деб таъкидлаган Хитой Раиси. “Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб иккинчи муддатга сайланганингиз мамлакат халқининг Сиэнинг раҳбарлигингизга ва раҳнамолигингиз остида амалга оширилаётган ислохотларга бўлган ишончи рамзидир. Бу Ўзбекистоннинг демократик йўлда эришган улкан муваффақиятларини ҳам акс эттиради.

Сиэнинг қайта сайланганингиз ҳақидаги хабарини мен катта мамнуният ила қабул қилдим, чунки бу шахсан биз учун Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш йўлидаги

ҳамкорликни давом эттириш учун янги имкониятлар яратади”, дейилади Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модининг мактубида.

Покистон Бош вазири Имрон Хон мамлакатимиз етакчисини ёрқин ғалабаси билан қутлади ҳамда “Ўзбекистон халқи яна бир бор унинг моҳир раҳбарлигига ишонч билдирди. Мен Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги самарали ҳамкорлик давом этишидан умидворман”, деб таъкидлади.

Италия Президенти Серджо Маттарелла ўз табрикомасида Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаси яқин беш йилда янада ривожланиш учун барча имкониятларга эга бўлишига ишонч билдирди. Мамлакатимизнинг юксак марраларни кўзловчи ислохотларни амалга ошириш ҳамда Тошкент ва Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги сазй-ҳаракатлари қўллаб-қувватланди.

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён Президент Шавкат Мирзиёевни иккинчи муддатга сайлангани билан самимий табриклаб, унга сихат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига эса доимий тараққиёт ва равнақ тилади.

“Халқларимиз фаровонлиги йўлида икки томонлама ҳамкорлик муносабатларимизни янада мустаҳкамлашга бўлган содиқлигимизни яна бир бор тасдиқлаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, дўст Ўзбекистон халқининг янада тараққий этиши ва фаровонлиги йўлидаги интилишларини рўёбга чиқаришда муваффақиятлар тилаб қоламиз”, дейилади Умон Султони Ҳайсам бин Торик Ол Саиднинг табрикомасида.

Шунингдек, Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум, БАА Қуролли қучлари Олий бош қўмондонни ўринбосари, Абу Даби валиаҳди шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён, БАА Бош вазири ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазири шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳаён, БАА Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён ҳам самимий тилақлар билдирилган табрикларини йўллаганлар.

Қутловлар келиши давом этмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг топширигига мувофиқ, 2021 йил 28 октябрь куни жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда иқтисодийётда барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш борасидаги устувор вазифаларга бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Мажлисда коронавирус пандемиясининг республикадаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсирини юмшатиш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва тармоқларни жадал ривожлантириш борасида қўрилган чоралар натижасида 2021 йилнинг 9 ойида **ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)** ҳажми **6,9** фоиз, sanoat — **9** фоиз, хизматлар — **7,6** фоиз, қурилиш ишлари — **4,5** фоиз, қишлоқ хўжалиги **4,2** фоиз ўсгани қайд этилди. Шу билан бирга:

нархлар барқарорлигини таъминлаш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар таъсирида йиллик инфляция даражаси 2020 йилнинг мос даврига нисбатан **0,9** фоиз пасайгани; иқтисодиётга қўрилган инвестициялар **5** фоиз ўсгани, давлат инвестиция дастури доирасида умумий қиймати **2,9** млрд. долларлик **160** та йирик ҳамда худудий инвестиция

дастури доирасида **35** трлн. сўмлик **9 013** та лойиҳа ишга туширилгани; давлатнинг тадбиркорлик фаолияти ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш натижасида жорий йилнинг 9 ойида **76,5** мингта янги тадбиркорлик субъекти ҳамда **332** мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилиши таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг ҳисоботлари эшитилди. Ҳар бир раҳбарга жорий йил IV чорагида барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш учун барча заҳираларни сафарбар қилиш юзасидан биринчи галдаги вазифалар ҳамда уларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши бўйича шахсий масъулият юклатилди.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ТЕРМИЗ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сурхондарё вилоятининг тупроқ-иқлим шароитида қишлоқ хўжалиги экинларидан, жумладан, меваали ва ёнғоқ меваали, сабзавот, полиз, дон-дуққақли экинлардан юқори ҳосил олиш, уларнинг касаллик ва зараркунандаларига қарши курашиш, илғор, интенсив агротехнологияларни жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, сугориладиган ерларнинг мелioraтив ҳолатини янада ахшилаш учун замонавий билим ва кўникмаларга эга олий маълумотли мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирилиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилиги, Молия вазирилиги ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Тошкент

давлат аграр университетининг Термиз филиали неғизида **Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтини** (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Институтнинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин: тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб **худудларни ихтисослаштириш, экспортбop ва даромадбop қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришни ташкил этиш, қишлоқ хўжалигида инновацион ресурстежамкор технологияларни ҳамда рақамлаштирилган агротехнологияларни** жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган **кадрлар тайёрлаш;** ўқув машғулотлари, малакавий амалиётларни ўташда

талабаларни инновацион ва янги фикрлашга йўналтирадиган янги ўқитиш технологиялари ҳамда уларнинг мустақил изланишини таъминловчи механизмларни кенг жорий этиш;

Сурхондарё вилоятининг тупроқ-иқлим шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини, жумладан, **меваали ва ёнғоқ меваали, сабзавот, полиз, дон-дуққақли, субтропик ва тропик экинларни** парваришлашнинг био-, нано- ва ресурстежамкор ҳамда интенсив технологияларини ишлаб чиқиш;

Институт **ер майдонларида** ички ва ташқи бозор эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, **қишлоқ хўжалиги экинларининг серҳосил, шўр ва курғоқчиликка, касаллик ҳамда зараркунандаларга чидамли, маҳсулот сифати юқори бўлган нав**

ва дурагайлари селекцияси ҳамда уруғчилигини йўлга қўйиш; илмий ходимларнинг илғор инновацион технологияларни яратиш бўйича **ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг новаторлик ғояларини ишлаб чиқаришга жорий этишга кўмаклашиш;**

кластерлар, кооперациялар, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун курғазмали дала майдонларини ташкил этиш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш; ривожланган хорижий илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва магистрларнинг малакасини ошириш.

Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ

САЙЛОВ ЯНГИ УҒҚЛАР, ЯНГИ ИСТИҚБОЛГА ЙЎЛ ОЧДИ

Жорий йил 24 октябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президент сайлови ўз мазмун-моҳиятига кўра, алоҳида тарихий аҳамиятга эгаллиги билан ҳам халқимиз ва халқаро ҳамжамият эътиборини қозонди. Бундай дейишимизга етарлича асослар бор.

Биринчидан, Президент сайлови принципапал жиҳатдан янги сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий даражада ўтказиш мамлакатимиз барқарорлиги ва ривожланишини таъминлашнинг энг муҳим омили сифатида буй кўрсатди. Иккинчидан, сайловда халқимизнинг фаол иштироки кузатилди. Бу — фуқаролар ва ҳукумат ўртасида ишонч шаклланишининг ҳал қилувчи омили саналади. Ишонч эса барқарор ривожланиш, тинчлик ва тараққиёт гаровидир.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида, аввалги сайловлар билан таққослаганда, бу йил энг кўп халқаро ташкилотлар ва чет давлатлардан кузатувчилар, шунингдек, тўлақонли миссиялар таркиби иштирок этди. Марказий сайлов комиссияси маълумотига кўра, Президент сайлови жараёнини 20 га яқин халқаро ташкилотдан, 50 га яқин давлатдан келган мингдан зиёд халқаро кузатувчилар, экспертлар бевосита кузатиб борди.

Тўртинчидан, Президент сайлови, халқаро кузатувчилар эътирофича, демократик руҳда, қонунийлик, шаффофлик, очкиқлик тамойиллари асосида бўлиб ўтди.

Бешинчидан, ва энг муҳими, халқимиз ўзи муносиб, деб билган номзодга овоз берди. Бу ҳақиқий эркин танлов бўлди.

Гап Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва бу муҳим сиёсий жараёнинг натижалари ҳақида кетар экан, ўтган беш йилликда биз эришган миллий тараққиёт йўлиминини яна бир бор таҳлил қилиш имконини берди.

Дарҳақиқат, Президент сайлови ва унинг натижаларига сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган, янгиланган ички ва ташқи сиёсатга баҳо берадиган референдум сифатида қараш мумкин.

Ислохотлар осон кечаётгани йўқ ва осон бўлмаслиги табиий ҳам эди. Ўз навбатида, жамиятимиз ва иқтисодиётимизни замонавийлаштиришдан ўзга йўл йўқлигини ҳам бугун ҳаммамиз яхши биламиз. Бу давлатимизнинг рақобатбардошлиги, қолаверса, ватанимизнинг ҳаёт-мамот масаласидир. Шу боис, Президентимиз таъбири билан айтганда, **Ўзбекистондаги ислохотлар ортага қайтмас тус олди.**

Давоми 3-бетда

КУН МАВЗУСИ

Юртимиз қишлоқ хўжалигида кластер тизимининг жорий этилиши киска вақтда катта ўзгаришларга замин яратди. Хомашё етиштиришдан тортиб, тайёр маҳсулотни экспорт қилишгача бўлган бу жараён худудларда минглаб иш ўринлари яратиб, импорт маҳсулотларини маҳаллийлаштириш имконини бермоқда. Натижада, биргина пахтачиликда толани қайта ишлаш юз фоизга етказилди, ип-калавча ишлаб чиқариш 2 баробарга, тайёр маҳсулот 3 баробарга ортди.

КЛАСТЕРЛАР АСОСИЙ ТАЯНЧ ВА ЕТАКЧИ БЎЛАДИ



27 октябрь куни Президенти раислигида қишлоқ хўжалигида кластер тизimini ривожлантириш масалалари бўйича ўтган видеоселектор йиғилишида бу борадаги имкониятлар ҳали юқорилиги, келгуси беш йилда курсаткичларни янада ошириш мақсад қилингани таъкидланди. Хусусан, қишлоқ

хўжалигида ҳосилдорлиқни камида 2 баробар кўтариш, хомашёни чуқур қайта ишлаш, соҳа экспортини 7 миллиард долларга етказиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини янада ошириш режа қилинган. Бунда кластерлар фаолияти муҳим ўрин тутди.

Давоми 2-бетда

БАҒДОД ТАЖРИБАСИ

ДАШТУ БИЁБОН ЎРНИДА ЯШНАЁТГАН ГУЛИСТОН

БОР-ЙЎҒИ БИР ЙИЛДА БАҒДОД ТУМАНИДАГИ ЯНГИ ШАҲАРЧАДА **1140** ХОНАДОНЛИ ЭНЕРГИЯТЕЖАМКОР **61** ТА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИБ, ЎНЛАБ ИНФРАТУЗИЛМА ОБЪЕКТИ БАРПО ЭТИЛДИ



Бағдодликлар кўз ўнгидида дашт деганда, туман марказидан жануби-ғарб томонга 12-13 километр йўл бостандан кейин бошланадиган, асрлар давомидида қуриб-қақшаб ётган, сувга ташна ерлар гавдаланарди. Бу ерлар тош ва шағалдан иборат бўлгани учун экин-тикин қилиш тугул, оддий гиёхнинг ҳам ўсиши мушкул эди.

Бу фикрларни ўтган замон феълдида тилга олаётганимизнинг боиси бор. Негаки, ана шу дашт худуди айна кезда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бор-йўғи бир йилда бу ерда янги замонавий шаҳарча қад ростлади, уй-жой қурилиши ва яратилган инфратузилма бўйича “Бағдод тажрибаси” сифатида бутун мамлакатга намуна бўлди.

Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ТЕРМИЗ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ИНСТИТУТИНИ

ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2. Белгилансинки, Институтда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб: бакалаврият таълим йўналишларида таълимнинг **кредит-модуль тизими босқичма-босқич жорий этилади**. Бунда, талабалар учун ҳафтанинг **шанба куни мустақил ўзлаштириш кунидеб белгиланади**; хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этиладиган қўшма таълим дастурларининг ўқув режалари ва фан дастурлари **хорижий ҳамкорлар билан келишилган ҳолда мустақил тасдиқланади**. Институтнинг фаолияти Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги: **2022 йил якунига қадар** Институтда **Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан** талабалар, магистрлар ва илмий изланувчилар ҳамда ёш профессор-ўқитувчиларнинг **илмий ишланмалари асосида лойиҳаларнинг стартапларини яратиш ва амалиётга таъбиқ этиш билан шуғулланувчи IT-инкубатор илмий инновацион марказини** ташкил этсин;

Институтга тегишли ер майдонларида халқаро **грант маблағлари ҳисобидан анор, хурмо, лимон, қора олхўри, узум** ва бошқа мева-сабзавотларнинг **юқори ҳосилли, йилгига 2-3 маротаба ҳосил олишга** имкон берадиган **навларини яратиш** бўйича **кўргазмали дала майдонларини барпо этсин**;

анор, хурмо, лимон, қора олхўри ва узум етиштиришининг янги самарадор агротехнологияларини яратиш бўйича бажариладиган йиллик мақсадли **илмий лойиҳаларни шакллантириб, илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида молиялаштириш учун Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим қилсин**. Бунда, Инновацион ривожланиш вазирлиги тегишли илмий-техник кенашларнинг асослантирилган ҳулосалари асосида белгиланган

тартибда грант маблағларини ажратиш чораларини курсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда келгуси йиллар учун мўлжалланган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида Институт ҳудудида бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш ишларини олий таълим соҳасига ажратилган лимитлар доирасида амалга ошириш юзасидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақлифлар киритсин.

4. Қуйидагилар:

Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини таъминлаш мақсадида Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтидagi бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликларига бириктирилаётган илмий-тадқиқот институтлари, ташкилотлар ва йирик хўжалик субъектлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига амалиёт ўташ учун бириктирилаётган илмий-тадқиқот институтлари, ташкилотлар ва йирик хўжалик субъектлари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

Институт Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалининг барча хўқуқ ва мажбуриятлари бўйича хўқуқий вориси ҳисобланади;

Институтга қабул параметрлари белгиланган тартибда ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат бюрютмаси параметрларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Олий

ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини ресурс тежовчи технологиялар, **ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳамда талабларидан келиб чиқиб қайта ишлаб чиқсин** ҳамда ўқув жараёнига жорий этсин;

худуднинг **кадрларга бўлган эҳтиёжини эътиборга олиб**, Институтда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кечки (сменали) таълимни ташкил этиш, **2022 йилдан бошлаб** илмий салоҳиятни ошириш учун олий таълимдан кейинги таълим (докторантура)га кишлоқ хўжалиги ихтисосликлари бўйича қабулни ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

7. Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Белгилаб қўйилсинки, Институтни бюджет маблағлари ҳисобидан сақлаш харажатлари 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2022 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги халқаро

молия институтларининг маблағлари ҳисобидан:

Институтнинг “Анорчилик” йўналишидаги профессор-ўқитувчиларини ва таҳсил олаётган ёш олимларини анор етиштириш тажрибасини ўрганиш учун илғор хорижий давлатларга малака ошириш курсларига ва стажировкаларга юборилишини;

хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этиладиган қўшма таълим дастурларининг ўқув режаларини хорижий экспертлар иштирокида белгиланган тартибда ишлаб чиқишлишини;

Институтнинг профессор-ўқитувчиларини, илмий ва техник-муҳандис ходимларини ҳар йили Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасаларида, илмий-тадқиқот марказларида, агрокластерларда, кооперацияларда ва йирик ишлаб чиқариш ташкилотларида стажировка ўташи бўйича дастурлар ишлаб чиқишлишини ва унинг амалга оширилишини;

икки ой муддатда Институтнинг тузилмаси ва устави тасдиқланишини ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Институтга талнов асосида, шу жумладан, республика олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган амалий тажрибага эга бўлган юқори малакали профессор-ўқитувчилар жалб этилишини;

Институтнинг ахборот-ресурс маркази маҳаллий ҳамда хорижий ўқув ва бадиий адабиётлар билан тўлдирилишини таъминласин.

10. Республика олий таълим тизимидаги мавқеи, илмий салоҳияти, узок йиллар давомида шаклланган аъналарини инобатга олган ҳолда Тошкент давлат аграр университети зиммасига қуйидаги йўналишларда Институтга қўмак бериб бориш юклатилсин:

салоҳиятли кадрларни жалб этган ҳолда таълим ва илмий фаолиятни ташкил этиш, таълим, тарбия, илмий

ва ўқув жараёнларини самарали бошқариш;

таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, дарслик, ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий материаллар ва ахборот ресурслари билан таъминлаш;

профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва иқтидорли ёшлар селекциясини амалга ошириш, илмий-тадқиқот ишлари учун қўшимча шароитлар яратиш ва “устоз-шогирд” тизими асосида илмий мактабларни ривожлантириш.

11. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги:

Институтга хориждан ва республиканинг бошқа ҳудудларидан ишга тақлиф этилган мутахассисларни турар жой билан таъминлаш мақсадида Термиз шаҳрида қурилаётган арзон уй-жойлардан имтиёзли шартлар асосида эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда хонадонлар ажратилишини;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2021 йил якунига қадар талабалар контингенти ошиб боришини ҳисоба олиб, 2022/2023 ўқув йилидан Институтга яқин бўлган ҳудуддан қўшимча бино ажратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритилишини таъминласин.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг:

Институтга Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалининг Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, “Янгиобод” кишлоқ фуқаролар йиғини, Лимонзор кишлоғи ҳудудида жойлашган бино ва иншоотларини тегишли ҳудуди билан биргаликда оператив бошқарув

хўқуқи асосида бериш, унинг ўқув ва лаборатория жиҳозлари, транспорт воситалари, кишлоқ хўжалиги техникалари, компьютер техникалари, ўқув адабиётлари ҳамда бошқа мол-мулкни топишириш;

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалининг барча талабаларини Институтнинг мос таълим йўналишлари ва мутахассисликларига ўтказиш ҳамда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб битирувчи курс талабаларига белгиланган тартибда Институт дипломини бериш тўғрисидаги тақлифларга розилик берилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 июлдаги “Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 479-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб кишлоқ хўжалиги вазирини Ж.А. Ходжаев, Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А. Боболов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 28 октябрь

КҮН МАВЗУСИ

КЛАСТЕРЛАР АСОСИЙ ТАЯНЧ ВА

ЕТАКЧИ БЎЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Жамшид ХЎЖАЕВ,
қишлоқ хўжалиги вазири:



— Йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан кластерларга ёрдам бериш ва молиявий маблағлар ажратишдаги қатор муаммолар ҳал этиб берилди. Биргина пахта-тўқимачилик кластерларини оладиган бўлсак, ушбу йўналишни бугунги қишлоқ хўжалигининг лоқомоти, деб айта оламиз. Боиси, улар ҳосилдорлиқни ошириш, қишлоқ жойларда аҳолини иш билан таъминлаб, даромад келтириш билан бирга, соҳага инновацияларни олиб қиряпти. Тизим ўзида тўлиқ жараёنни қамрагани боис, эндиликда, молиялаштириш ҳам ана шундай аҳамият касб этади. Кластерларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир гектар пахта майдонига 1 миллион сўмдан молиявий грант ажратиладиган бўлди. Бу маблағлар тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш, сугоришининг янги технологияларига ўтиш, ўсимликлар ҳимояси, замонавий лабораториялар ташкил этиш, фермерларни ўқитиш каби тадбирларга йўналтирилади.

Ғаллачилик тизимида эса кейинги йилдан бошлаб деҳқонлар, кластерлар ўзи етиштирган ғаллани бемалол бозор нархида сота олади. Бу ҳам жуда катта инқилобий қадам. Шу билан бирга, янги интерверсион тизим жорий этиляпти. Бунда Қишлоқ хўжалиги жамғармаси томонидан 1 йилда камида 2,5 миллион тонна ғаллани бозор нархида сотиб олинади.

Учинчи йўналиш — мева-сабзавотчилик кластерлари ҳам пахта-ғаллачилик соҳаси каби молиялаштирилади. Агрологистика марказларини кенгайтиришга ҳам алоҳида маблағлар ажратилади. Яна бир ташаббус — мева-сабзавот маҳсулотларини сугурталашнинг янги тизимини жорий қилиш ва буни давлат томонидан рағбатлантириш бўйича аниқ топириқлар берилди. Кўпинча, совуқ тушганда мева-сабзавотлар шикастланиши ҳисобига деҳқон, фермер зарар қуради. Янги тизим ана шундай муаммоларга ечим бўлади. Соҳада амалга оширилиши кўзда тутилаётган шу каби мақсадлар учун йилгига 25 триллион сўм йўналтирилиши кутилмоқда.

Қаҳрамон САРИЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши раиси:

— Қорақалпоғистонда 3 йил олдин пахта-тўқимачилик кластерлари даярли йўқ эди. Бундай кластерларни ташкил этиш 2,5 йил олдин бошланган ва ҳозирда улар сони 10 тадан ошди. Жорий йилнинг ўзида пахта-тўқимачилик, ғаллачилик, шолчилик, мева-сабзавотчилик йўналишларида 33 та кластер фаолияти йўлга қўйилиб, жами 82 тага етди.

Видеоселектор йиғилишида фермер, кластерларга катта имкониятлар берилиши таъкидланди. Жумладан, ғаллачилик кластерлари, фермерлар етиштираётган бўғдойларини бундан кейин бозор нархларида тўлиқ эркин сотиш ҳуқуқига эга бўлади. Улар 3 йил давомида ҳар йилги ҳосилдан гектарига 2,5 тонна ғаллани биржа савдоларига эркин нархда чиқариши мумкин. Бу имтиёзлар ички бозорда нон нархининг барқарор сақланиши, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшади.

Ўз навбатида, мева-сабзавотчилик кластерлари ҳам қўллаб-қувватланади. Уларга ҳозирги жараёндаги 20-24 фоизлик тижорат кредитлари эмас, балки Қишлоқ хўжалиги жамғармасидан 1 йил муддатга 10 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда кредит ажратилади. Бу Қорақалпоғистон Республикаси учун ҳам муҳим йўналишлардан бири бўлиб, белгиланган ишлар ижроси жадаллаштирилади. Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ҳам янада кенгайди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ер ажратишда, айниқса, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”даги оилаларга эътибор қаратилади. Буларнинг бари пировардида, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, фермер, кластерларнинг даромадини оширишга хизмат қилади.



Иброҳим ҲАМРОЕВ,
Бухоро вилоятидаги “Мергантекс”
пахта-тўқимачилик кластери раҳбари:

— Президентимиз бундан 5 йил олдин Ўзбекистонда энди пахтани сотмайми, қишлоқлардаги қорақўз халқимизнинг пешона тери билан етиштирилган хомашёни энди тайёр маҳсулот ҳолида экспорт қилами, деганларида кўпчилик ишонмаганди. Аммо қисқа вақтда давлатимиз раҳбари томонидан дунёда муқобили йўқ пахта-тўқимачилик кластерларини яратиш концепцияси тақдим қилинди. Ҳудудларимизда сув тақчиллиги бўлгани боис, томчилатиб сугориш технологияларини жорий қилиш бўйича сайъ-ҳаракатлар бошланди. Бу ўз натижасини бериб, қишлоқ хўжалигида янги марраларга пойдевор бўлди.

2019-2020 йилларда кластеримиз ҳудудидаги фермер хўжаликларида томчилатиб сугориш тизими жорий қилингани яхши самара берди. Ҳаракат қилсак, биз ҳам 70 центнер ҳосил олишимиз ҳеч гап эмас экан. Шунча ҳосил олган фермернинг даромади 50 миллион сўмдан кам бўлмади.

Кейинги йилларда ҳосилдорлиқни янада ошириш мақсадида олдимизга аниқ вазифаларни белгилаб олганмиз. Аввало, Англия, Янги Зеландия, Исроил компаниялари билан тузган шартномамиз асосида ҳудудимиздаги фермерлар ерини тўлиқ рақамлаштирамиз. Қолаверса, келаси йили “Мергантекс” пахта-тўқимачилик кластери таркибидagi фермер хўжалиқлари ерларининг 3 минг гектарига томчилатиб сугориш технологиялари тўлиқ жорий қилинади.

Давлатимиз раҳбари раислигида ўтган видеоселектор йиғилишида иштирок этар эканман, ниҳоятда ҳаяжонландим. Боиси, пахта-тўқимачилик кластерларига тақдим қилинаётган имкониятлар — бу инқилобий имкониятлардир. Йиғилишдаги тақдимот менинг назаримда иккита муҳим нарсага замин тайёрлади. Биринчиси, юртимиз қишлоқ хўжалиги келаси 5 йилда тўлиқ рақамлаштирилади ва унга энг сўнгги инновацион технологиялар жорий қилинади. Иккинчидан, шу 5 йилликда Ўзбекистоннинг тўқимачилик соҳаси хориқлик экспертлар ва мутахассислар эътифори эътаёттанидек, дунёдаги еттинчи кийим фабрикасига айланишига замин яратилади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, **макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлаш** борасида иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг камида **7,0** фоиз ўсишини ҳамда аҳолининг озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарларига ортиб бораётган талабини барқарор таъминлаш, нархларнинг кескин кўтарилишига, 2021 йил якуни бўйича инфляция даражаси **9,95** фоиздан ошиб кетишига йўл қўймаслик, консолидациялашган бюджет тақчиллиги **ЯИМ**га нисбатан **5,5** фоиздан ошмаслигини таъминлаш топирилди.

Куз-қиш мавсумида **иқтисодиёт тармоқлари фаолиятини энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш** юзасидан жорий йил IV чорагида истеъмолчиларга 14 млрд. куб метр табиий газ ва **21,5** млрд. кВт. соат электр энергияси етказиб берилишини ҳамда жами 1,3 ГВт. қувватли **8** та электр станцияси тўлиқ фойдаланишга топирилишини таъминлаш юклатилди.

Ишлаб чиқариш ҳажмини тўқимачилик sanoatида **32** трлн. сўмга, электротехника sanoatида **16,7** трлн. сўмга, қурилиш материаллари sanoatида **9,6** трлн. сўмга, чарм-пойабзал ва мўйначилик sanoatида **4,4** трлн. сўмга етказиш чораларини кўриш бўйича аниқ вазифалар белгиланган бўлиди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида аҳолини сифатли ва арзон нархларда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида ғалла ва эртaki экинлардан бўшаган **810** минг гектар майдонда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захира учун жамғариш, балиқчилик ва чорвачилик соҳаларида маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича топириқлар берилди.

Хизматлар ҳажмини йил якуни билан **302** трлн. сўмга етказиш борасида маҳаллий авиақатновлар сонини **17** тадан **43** тага кўпайтириш, темир йўлда ташиш хизматлари ҳажми **7** фоиз, хусусий таълим хизматлари ҳажми **40** фоиз, тиббий хизматлар ҳажми **32** фоиз, овқатланиш хизматлари

МУНОСАБАТ

САЙЛОВ ЯНГИ УФҚЛАР, ЯНГИ ИСТИҚБОЛГА ЙЎЛ ОЧДИ



Содиқ САФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлис Сенати Раисининг
биринчи ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Таъкидлаш жоизки, Президент сайлови натижаси мамлакатдаги ислохотларни нафақат давом эттириш, шунингдек, барча йўналишлар, соҳалар кесимида янада фаоллаштиришга сиёсий замин яратди. Бу жараёнда юрдошларимиз ўз хоҳиш-иродасини намоён этгани ва келгуси беш йиллик тараққиётимиз учун биргаликда, ҳам-жиҳатликда ҳаракат қилишга тайёрлиги ҳам кейинги йилларда биз эришган ютуқларимиз омиллидир.

Бу йилги Президент сайлови мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий тизими учун 2019 йилги парламент сайловига қараганда анчайин жиддий синов бўлди. Бу, авваламбор, сайлов аҳолининг сиёсий фаоллиги ҳамда ҳаётимизда юз бераётган янгиликларга дахлдорлик

сайловида фуқароларимизнинг мутлоқ аксарияти 2016 йилда давлатимиз раҳбари бошлаган ислохотларни изчиллик билан давом эттириш ва уларни чуқурлаштиришга қаратилган ўз иродасини қатъият билан билдирди. Дарҳақиқат, бу, ҳеч муболагасиз, халқимиз, миллатимиз, ватанимиз тақдири, жамиятимиз тараққиёти учун тарихий аҳамиятга эга ҳодисадир.

Шуни айтиш керакки, Президент сайловида халқимиз, биринчи навбатда, ўтган беш йилликнинг катта ислохотларига муносиб баҳо берди. Фуқароларимиз **2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида** ўз ифодасини толган, мамлакатда дунёвий-демократик қонун устуворлиги ва

Ўзимиз ҳам телевидение, ижтимоий тармоқлар орқали кўрдик, хорижий давлатларда, хусусан, Москва шаҳридаги сайлов участкасида навбатда турган ўзбекистонликлар ўз ҳуқуқидан фол фойдаланаётганини кузатдик. Бу нима дегани? Авваламбор, халқимизда ислохотларга дахлдорлик, жамият, келажак учун масъулият ҳисси шаклланиши аниқлади. Шунингдек, халқимиз сўнгги йиллардаги ислохотлар туфайли уйғонганидан дарақдир. Бу жиҳатлар нафақат аҳоли, балки сиёсий партияларнинг фаоллашганида ҳам кўзга ташланди.

Мен бир мисолни кўп келтираман: собиқ Совет ҳукумати даврида сайловлар бир қарашда Конституция талаблари асосида ўтарди, бироқ у жараёни сайлов, дейиш мумкинми?



Тошкент давлат университетиди (ҳозирги ЎзМУ) ишлаб юрган пайтимизда ректоримиз, атоқли олим Тошмуҳаммад Саримсоқов аччиқ истеҳзо билан менга, “Содиқжон, шуям сайлов бўлди-ю, битта номзод қўйишди, унга овоз беришимиз керак. Сайловда бир-неча номзод ичидан биттасини сайлашимиз керак эмасми?” дерди. Албатта, бу овоз даврига хос сайлов эди. Сир эмас, ўша даврларда сайловлар ҳужажўрсинга ўтказиларди.

Эндиликда сайловларни октябр ойининг учинчи яшанбасида ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Бу йил илк бор мамлакатимизда Президент сайлови ана шу янги тажриба асосида муваффақиятли бўлиб ўтди. Ўзбекистондаги куз фасли ўртаси халқаро кузатувчилар учун ҳам, халқимиз учун ҳам жуда қулай ва тароватли бир вақт саналади. Бу кунларда юртимизда илқ об-ҳаво, айнаи пишиқчилик даври кузатилади, шу боис, халқимизнинг сайловда шахсан иштирок этиши учун барча қулайликлар бўлади.

Бу йил Президент сайловида илк бор сиёсий партиялар номзодлари ишончли вакиллари ўртасида дебатлар бўлиб ўтди. Демак, Ўзбекистонда сайловлар мазмун-моҳиятдан демократлашиб бормоқда, жамият уйғонмоқда. Яъни сиёсий ҳаёт пайдо бўлди. Халқимиз турли партия вакиллари билан мулоқот қилишга, ҳар бир фуқаро шунга қараб ҳаракат қилишимиз керак. Бу сайлов Ўзбекистонга янги уфқларни, янги истиқболларни очди. Шубҳа йўқки, барчамиз ўзимиз сайлаган Президентимиз атрофида бирлашиб, Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун хизмат қиламиз.

ОАВ вакиллари Президент сайлови кампаниясини фаол ёритиб борди. Халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошишида, ҳеч шубҳасиз, оммавий ахборот воситаларининг ўрни ниҳоятда катта бўлди. Улар муаммоларни очик айтишга, бу қўлларга ёқмади, лекин журналистларимиз ортага қайтмади, ишонамизки, қайтмоқчи ҳам эмас.

ОАВ вакиллари Президент сайлови кампаниясини фаол ёритиб борди.

Айрим ҳолларда танқидий фикрлар ҳам билдирилди. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қонунийлик, шаффофлик таъминланди, сиёсий жараён эркин ва очиқлик муҳитида ўтди.

Сайловнинг энг асосий натижалари сифатида шуни айтиш керакки, Ўзбекистон халқи ўз хоҳиш-иродасини билдириб, бошланган ислохотларни янада чуқурлаштиришга бел боғлагани, олиб борилаётган ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлагани халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда.

Нима учун? Чунки ислохотлар натижасида янги Ўзбекистон пайдо бўлди. Бугун нафақат минтақада, минтақадан узоқ жойлардаги муаммоларни ҳал этишда ҳам Ўзбекистоннинг овози баралла янграмоқда ва катта таъсир кўрсатмоқда.

Савол туғилиши мумкин: **халқаро кузатувчилар Ўзбекистонга нима учун келди? Уларнинг асосий ҳулосалари нимадан иборат бўлди?**

Авалло шуни таъкидлаш керакки, биз учун энг муҳими, сайловга Ўзбекистон фуқаролари томонидан берилган баҳо. Чунки сайловлар ўз мазмун-моҳияти билан халқ ва ҳокимият ўртасида ишонч ўрнатишга, жамиятни жиғлаштиришга қаратилган энг асосий омилдир. Кўп давлатларда кузатилган парокандалик ва инқирозлар айнан ноҳолот, фирромлик билан ўтган сайловлар билан боғлиқ бўлган. Сиёсий партиялар ва ОАВ томонидан сайловлар синчиклаб кузатиб борилиши бежиз эмас, бу жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, халқаро ҳамжамият фикри ҳам эътиборли. Бу, биринчи навбатда, Ўзбекистон рейтингини, мамлакатимизнинг дунёдаги имижини — янги қиёфаси учун зарур.

Биз буни тўғри тушунишимиз керак, эмин-эркин, ҳалол, халқаро стандартларга мос ўтказилган сайловлар натижасида Ўзбекистон рейтингини ортади. Бу эса, келаятган сармоялар, молиявий институтлар томонидан ажратилаётган маблағлар шартларини ҳам биз учун

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Эркин КОМИЛОВ,
Ўзбекистон халқ артисти



Мамлакатимизда бўлиб ўтган Президентлик сайлови ҳақида гапиришдан аввал, санъаткорлигим тутиб, биргина театрнинг кечаги ва бугунги ҳаётидан икки оғиз айтиб ўтишни жоиз топдим. Бир маҳаллар битта асарни сахналаштирмоқчи бўлсангиз, асар қаҳрамонларининг шахси қаттиқ ўрганилиб, қатағонга учраган бўлса, умуман унинг образини сахнага олиб чиқиш мумкин эмасди. Ўша пайтларда номларини тилга олишдан ҳам чўчиганимиз — Амир Темур, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний кабилар сиймосини бугун сахнада ғурур-ифтихор билан акс эттириш орқали уларни ёш авлодга яқинроқ танитапмиз. Айнан Президентимиз раҳнамолигида бу борадаги ишларга жиддий ёндашилапми.

ЎЗИ САЙЛАГАННИ АРДОҚЛАГАН ХАЛҚ — БАХТЛИ ХАЛҚ

Биргина Адиблар хиббонининг ўзи ушбу фикрларни изоҳлашга эҳтиёж қолдирмайди. Ҳар қандай чет эллик тушуниб етдики, бу адабиёт боғидан ўрин олганлар миллат қаҳрамонлари, ўзбек халқи унутиши мумкин бўлмаган буюк сиймолар. Улар нафақат адабиётимиз, илму маърифатимизнинг айна пайтда юртимиз тараққиётининг ҳам юқсак чўққиларга эришишини орзу қилганлар. Эзгу мақсадларини баҳоли қудрат театр сахнасида акс эттириб, инсонларда ёруғ келажакка умид уйғота билганлар. Шундай экан, биз нима учун муносиб авлодлар сифатида уларнинг ўзларини сахнада акс эттирмайлик. Бу журъатимиз, ҳаракатларимизнинг бари мустақиллик, эрк ширкатидан эмасми? Президентимиз айна шуни чуқур ҳис қилган ҳолда санъат, маданият ва шу жумладан, театр соҳасига ҳам катта эътибор қаратмоқда.

Айниқса, Тошкент шаҳрида ўтган сайловолди учрашувида у кишининг “Театрларга бориш учун маҳаллалар орқали bepул билетлар тарқатилади. Театр жамоаларига бу билетларни давлат қоплаб беради”, деган гаплари ҳам театр санъатига бўлган чуқур ҳурматни ифодалайди. Театримизнинг қайта таъмирланаётгани, янги театр биноси қурилаётгани ҳам бу йўлдаги эзгу ишлардан далолат.

Маълумки, пандемия даврида театрлар бир муддат ёпилди. Ишо-

Ўз раҳнамосига эга бўлган халқ — бахтли халқ, Аллоҳ алқаган халқ. Ўзи сайлаган азизни ардоқлаган миллатнинг келажаги эса, албатта, буюк. Мустабид тузум даврида кимни сайлаганимиз, у қанақа одам, халққа манфаати тегадими, деган ўй ўтарди кўнгилдан. Бугун эса, муносиб номзодни танлаш ва сайлашимиз учун ҳеч қандай тўқсинлик йўқ. Одамларимизнинг ўзлари юрт раҳнамосини эркин танлади. Зеро, кейинги беш йилликда барча соҳада амалга оширилган том маънодаги ислохот ва бунёдкорликларнинг меъмори-муаллифига бўлган ишончини янада юқсалтирди. Ислохотлар, туб ўзгаришлар одамларда ҳам шукроналик ҳиссини уйғотаётгани чин экан.

Эндиликда ота-боболаримиз, аجدодларимиз қурган обидаларнинг салобати, ўзимиз қураётган баланд-баланд иншоотлар, обод қишлоқларни кўриб, кўз қувнайди, ҳайрат билан боқаямиз. Шаҳарлардан фарқи йўқ. Аммо булар ўз-ўзидан бўялтимми? Тафаккур қилайлик, айниқса, давлат қоплаб беради”, деган гаплари ҳам театр санъатига бўлган чуқур ҳурматни ифодалайди. Театримизнинг қайта таъмирланаётгани, янги театр биноси қурилаётгани ҳам бу йўлдаги эзгу ишлардан далолат.

Ўз раҳнамосига эга бўлган халқ — бахтли халқ, Аллоҳ алқаган халқ. Ўзи сайлаган азизни ардоқлаган миллатнинг келажаги эса, албатта, буюк. Мустабид тузум даврида кимни сайлаганимиз, у қанақа одам, халққа манфаати тегадими, деган ўй ўтарди кўнгилдан. Бугун эса, муносиб номзодни танлаш ва сайлашимиз учун ҳеч қандай тўқсинлик йўқ. Одамларимизнинг ўзлари юрт раҳнамосини эркин танлади. Зеро, кейинги беш йилликда барча соҳада амалга оширилган том маънодаги ислохот ва бунёдкорликларнинг меъмори-муаллифига бўлган ишончини янада юқсалтирди.

насимиз, томошабинларнинг “театр сахнасини соғиндик”, деган гапларидан кўзимизга ёш келди. Чунки ўзимиз ҳам сахнани соғинган эканмиз. Унинг гарди ҳам азизлигини короновирус балоси кўрсатиб қўйди бизга. Бутун дунёга келган бу офатни енгишда ҳам Ўзбекистон ўзига хос йўл тутдики, шу кунларга етиб турибмиз. Уруш қурбонсиз бўлмаганидек, бу курашда биз ҳам қўрбонлар бердик. Театрнинг забардаст устунлари ҳам орамиздан кетди.

Яқинда ўзим ҳам шу дардга чалиниб, Зангитотадаги шифохонада 27 кун даволаниб келдим. Ўша шифохонага боришимни эшитиб, тўғриси, юрагим орқага тортганди. Лекин у ердаги шарт-шароитлар ватанимга бўлган муҳаббатимни минг чандон зиёда қилди. 18 гектар ерда шу даражадаги шифохона барпо бўлганини билмаган эканман. Керакли дори-дармонлар аслида фалон пулдан, 3 маҳал иссиқ овқат, нафас ололмаётганларга bepул киспорд бериларди. Фаррошлар тез-тез хоналарни тозалаб турибди, чи-роқлар узлуксиз ёниб турибди, буларнинг ҳеч бири учун беморлардан ҳеч ким пул сўраётгани йўқ. Фуқароларига шундай эътибор қаратаётган давлатни, шундай халқни ким енга олади? Ким ёмон дея олади?

Каттаю кичик янги Ўзбекистонни барпо этишга ҳисса қўшиш билан андармон. Илоҳим, юртимизга кўз тегмасин! Зеро, Ватан қафдаги тупроққа ўшайди, дейишадими. Уни ўзимиз ардоқламасак, биров ардоқламайди. Энг асосийси, тинч-тотув, фаровонликда яшааямиз. Бинобарин, айрим қўшни давлатлардаги ҳолатларни кўриб турибмиз.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари, биринчи навбатда, қўшнилар билан муносабатини яхшилашга эътибор қаратгани бежиз эмас. Ахир қўшниларимиздаги нотинчлик, парокандаликлар бизга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу борада зарур чора-тадбирлар тузиш, халқни хавотирга қўймайлик масаласи кўндаланг бўлади. Тонгларимизнинг мусавффо отаётгани, осмонимизга ўқ товушларининг бегоналик, боғча, мактаб, ишхонага хотиржам бориб келаётганимиз эса, ана шу масаланинг оқилона ечим топаётгани билан боғлиқ.

Юнонлар ўзларига ҳавас қилувчиларнинг “юнонлар ва юнон бўлишни хоҳловчилар” деган сўзлардан кўп фойдаланишганини ифтихор ила қабул қилишган экан. Ажаб эмас, яна 20—30 йилдан сўнг ўзбеклар ва ўзбек бўлишни хоҳловчилар, деган сўзлардан биз ҳам ғурурланиб юрсак.





БАҒДОД ТАЖРИБАСИ

ДАШТУ БИЁБОН ЎРНИДА ЯШНАЁТГАН

Бошланиш 1-бетда

Аслида Гулистон шаҳарчасининг бунёд этилишига давлатимиз раҳбарининг шу йил февраль ойи бошида Фарғона вилоятига ташири чогидда берган топшириқлари тамал тоши вазифасини ўтади, бунёдкорликка шиддат ва кенг қанот бахш этди. Орадан бир ярим ой ўтиб, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида жорий йилда амалга оширилаётган ишлар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида уй-жой қурилиши бўйича “Бағдод тажрибаси”ни ўрганиш борасида барча ҳокимларга тавсия берилди.

ЗАМОНГА ХОС ШИДДАТ ВА САМАРАЛИ ЕЧИМЛАР

Ўтаётган ҳар бир давр тарих саҳифаларига муҳрланиб боради. Олисга бормай, 2000 йилдаги маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, туманда 140 мингдан ортиқ аҳоли яшаган. Айни пайтда эса 218 минг киши умргузаронлик қиляпти. Кейинги йилларда аҳолини, айниқса, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш энг долзарб масалага айланди.

— Ўтган 85 йил мобайнида Бағдод-да бор-йўғи 53 та кўп қаватли уй қурилган, холос, — дейди туман ҳокими Восилжон Назаров. — Шу рақамнинг ўзи узоқ йиллар давомида тилга олишга арзигулик қурилиш ишлари бўлмаганини кўрсатади. Албатта, бу тез орада ўтмиш хотираларига айланади. Бугун туманимизда аҳолининг уй-жойга бўлган талаби инобатга олиниб, истиқболли дастурлар ишлаб чиқилган, уларни ҳаётга татбиқ этиш қизғин кетаяпти. Бу уйлارнинг сифати, нархи арзон бўлиши ҳисобга олинган ҳолда, қурилиш маданиятига ҳам алоҳида эътибор қаратил-ляпти. Шу боис, шаҳарча ва унинг атро-фидаги объектлар режасини тузишда истиқболда аҳоли сони ўсиши, инфра-тузилма ва ишлаб чиқариш кенгайиши каби жиҳатлар ҳам ҳисобга олинган.

Ўтган йил кузда мазкур шаҳарча-ни барпо этиш учун “Мурувват” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан 21,2 гек-тар ер ажратилди, бунёдкорлик ишла-рига 21 та қурилиш ташкилоти жалб этилди.

Орадан кўп ўтмай, бир подьездли, 20 хонадондан иборат 57 та 5 қаватли, 3 подьездли 4 та, жами 61 та энергия-тежамкор уйни ҳамда 9 та инфрату-зилма объектини барпо этишга кири-шилди.

Ўзига хос меъморий қиёфага эга ша-ҳарча лойиҳаси мамлакатимизда кам-ёб саналади. Аҳоли учун яратилаётган шарт-шароит, зарур инфратузилма, иж-тимой иншоотларнинг мажмуа ҳолда бунёд этилиши унинг ҳақиқатан ҳам намунали лойиҳа асосида қад ростла-ганини кўрсатади.

Туман марказидан анча олисда, инфратузилма тармоқлари йўқ ҳудуд-да мана шундай кўркем ва замонавий шаҳарча бунёд этилади деса, кимдир ишонди, кимдир ишонмади. “Даштда солинган уй уй бўладими?”, “Янги ша-ҳар қуриш озмунча маблағ талаб қиладими?”, дея ишонсизлик билдирган-ларнинг юзи қизарди.

Айни кунда Гулистонда 1252 хо-надонга мўлжалланган, тўрт ва беш қаватли 61 та уй қурилиши якунига ет-казилляпти. Ҳозирги кунга қадар мингга яқин хонадон учин бошлангич тўлов қилиниб, ватан ичра ватанли бўлган янги уй соҳиблари энг замонавий шарт-ша-роитлар муҳайё қилинган масканларга кўчиб келди.

— Қурилиш кўлами ижтимоий объ-ектларни барпо этиш лойиҳаларига ҳамоҳангдир, — дейди Бағдод тумани ҳокими биринчи ўринбосари Сардор Қорабоев. — 2021 йилда ижтимоий ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ривожлантириш дастури доирасида 9,1 миллиард сўм ҳисобига 120 ўрин-ли 56-умумтаълим мактабига қўшимча янги 420 ўринли ўқув биноси, вилоят маҳаллий бюджет маблағлари ҳисо-

— “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” деганда, нафақат уларнинг йўли ёки қиёфаси яхшиланиши, балки у ерда яшовчи аҳолининг даро-мади кўпайиши, ижтимоий объектлар тўлиқ ишлаши керак. Энг асо-сий, ҳақиқий обод маҳаллада “темир дафтар”, “аёллар” ва “ёшлар” дафтарлари бўлмаслиги лозим. Бунинг учун тадбиркорлар билан мас-лаҳатлашиб, ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш зарур. Сарфланган ҳар бир сўм инвестиция одамларимизга уч барабар кўп фойда келтириши, уларнинг даромадини оширишга хизмат қилиши керак, — деган эди Президентимиз.

бидан 13,7 миллиард сўмга 350 ўрин-ли маданият уйи барпо этилди. Туман бюджети маблағидан 674 миллион сўм маҳалла биноси, истироҳат боғини барпо этишга йўналтирилди.

Шунингдек, тадбиркорлар томони-дан оилавий поликлиника, икки қават-ли 6 та савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, сунъий қопламали спорт майдончаси, кўнгилочар объектлар, болалар май-дончалари ҳамда коворкинг марказ қу-риш ниҳоясига етказилди.

150 ўринли болалар боғчасига кир-сангиз, ўзингизни худди эртаклар оли-мида юргандек ҳис қиласиз. Бу ерда кичкинтойларнинг соғлом ва билимли бўлиб камол топиши учун барча ша-роитлар муҳайё этилган. Энг муҳими, хоналарни жиҳозлаш, уларни безаш-дан тортиб, дам олиш ва спорт залла-ри деворларидаги қувнок тасвирларда ҳам айрича меҳр жилоланиб туради. Бу каби ишларни бажариш учун 5,6 мил-лиард сўм ажратилган.

Инфратузилма объектларини қуриш ва ободонлаштириш ишлари шу билан якун топмайди. Шаҳарчага 3,6 кило-метр табиий газ, 6 километр электр, 2,5 километр ичимлик сув тармоғи тортил-ди. 10 та трансформатор ўрнатилди, 2 та тик қудуқ қазилди, резервуар, сув тозалаш иншооти, 2 километрдан ортиқ янги йўл барпо этилди.

Ҳозирги пайтда аҳоли кўчиб қирган уйлар атрофи ҳам замонавий манзара касб этган. Йўллар ва унга туташ йў-лаклар бўйларига экилган дарахтлар



илдиз отаётган бўлса, яшил майдонча-лар унга янада шукӯҳ бағишлагани. Бо-лалар майдончаларида яйраб ўйнаёт-ган жажжиларни, ўриндиқларда хордиқ чиқараётган уй соҳибларини кўриб, ди-лингиз қувнайди.

ФАЙЗЛИ УЙЛАР — ЯНГИ ОРЗУЛАРГА ҚАНОТ

Шу йил 28 сентябрь куни Президентим-из Гулистон шаҳарчасидаги бунёдкор-лик ишлари билан танишди. Худуднинг ривожланаётгани, одамлар уйли, ишли бўлаётганини қўриш мамнунлик бағиш-лашини билдирди. Давлатимиз раҳбари шу ерда маҳалла фаоллари, бағдодлик

асти қўяверинг. Табиий газ, иссиқ ва совуқ сув бор, кенг ва ёғуғ хоналар-да яшаш гашти бўлакча бўларкан. Бел оғриги ҳам безовта қилмай қўйди. Президентимиз билан кечган учрашув, суҳбат бир умр ёдимда қолди. Дунёда-ги ҳар қандай муаммо ва масалалар ечими салоҳиятли ва билимли ёшлар-га боғлиқлиги, жойларда Президент мактаблари фаолияти хусусида айтган фикрларидан ғурурландим.

Беш мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилиши кўзда тутилаётган янги шаҳар-чада кўп қаватли уйлар, биринчи нав-батда, унга муҳтож оилаларга ажратил-ди, субсидиялар берилди, шунингдек, имтиёзли кредитлар бериш орқали уларнинг мушқули осон бўляпти.

— Рости, шунақа замонавий уйда яшашни ҳаёлимизга ҳам келтирмаган-дик, — дейди Ферузахон Сотимова. — Ёлғиз она сифатида уй-жой маса-ласида халқ қабулхонасига мурожаат қилгандим. Икки хонали шинам уйнинг бошлангич тўловини тўлаб беришди. Ўзим ободонлаштириш корхонасида ишлайман. Қизимни ҳам мактаб-интер-натга ишга олишди. Ҳозир ҳар ой банк-ка тўлов қилиб борапман.

“Ултарма” МФИда истиқомат қилув-чи Нўъмонжон Мадалиев ва Юлдузхон Остонақулова ҳам яқинда қуриб битка-зилган янги уйга кўчиб ўтди. Ёш оила бекаси оилавий поликлиникага ҳамши-ра сифатида ишга жойлашаётган бўл-са, Нўъмонжон савдо дўкони фаоли-тини йўлга қўйди.

— Катта оилага келин бўлиб тушган-ман, икки овсин билан бирга яшардик, — дейди Юлдузхон. — Янги уйга кўчиб келдик. Бу ердаги қўлай шароитларга кўпнинг ҳаваси келади. Кичик овсиним ҳам шу ердан уй олиш тараддуидида юрибди.

Умида Мирзаахмедова тумандаги 5-мактабгача таълим ташкилотида тар-биячи. Унинг қувончига ҳамкасблари ҳам шерик бўлмоқда.

— Икки хонали янги уйнинг кредит тўлови учун биринчи йилга ойига 640 минг сўм, дастлабки уч йиллик им-тиёзли давр учун 1 миллион сўм бел-гиланган, уйнинг қолган пули 20 йил давомида тўланиши бизга жуда ман-зур бўлди, — дейди Умида. — Бугун опа-сингилларим, ҳамкасбларимни меҳмонга қақирган эдим. Янги уйимиз

ГУЛИСТОН

БОР-ЙЎҒИ БИР ЙИЛДА БАҒДОД ТУМАНИДАГИ ЯНГИ ШАҲАРЧАДА 1140 ХОНАДОНЛИ ЭНЕРГИЯТЕЖАМКОР 61 ТА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИБ, ЎНЛАБ ИНФРАТУЗИЛМА ОБЪЕКТИ БАРПО ЭТИЛДИ



уларга жуда ёқди. Баъзилари шу уй-лардан сотиб олишни ният қиляпти.

Ана шундай имтиёз ва рағбатлар, ипотека кредитлари асосида уй-жой қу-рилиши тизимини такомиллаштириш, тадбиркорларга имтиёзлар бериш ва рағбатлантириш, аҳолининг ҳам таъ-минланган қатламини кўллаб-қувват-лашга қаратилган ҳужжатлар ҳаётда амалий ифодасини топаётгани, минг-минглаб оилаларга ўз уйига эга бўли-ши учун шароит яратяётгани яққол кў-риниб турибди.

ҲАМ ИШ, ҲАМ ДАРОМАД МАНБАИ

Маҳаллада уй-жой билан таъмин-ланган аҳолини ёш ўрни ва даромад манбаи билан таъминлаш масаласи ҳам ўз ечимини топиб борапти. Кўп қав-атли уйлар массивига ёндош ҳудудда фойдаланишдан чиққан ер майдон-ларини қайта ўзлаштириш ҳисобига лимончиликка ихтисослашган иссиқ-хоналар ташкил этиш учун 104 гектар ер ажратилди. Айни пайтда 10 сотих-ли 1000 та иссиқхона қурилиши бош-ланган бўлиб, улардан 310 таси тўлиқ қуриб битказилди ва 250 дан ортиғига лимон экилди.

Қурилиш ташкилотлари бу иссиқ-хоналарни ўз эгаларига қўчатлар экилиб, томчилатиб суғориш технологияси ўр-натилган ҳолда топширяпти. Ҳисоб-ки-тобларга кўра, уларнинг ўртача нархи 88 миллион сўмни ташкил этади. Банк кредитлари 7 йилга бошлангич тўловсиз 3 йиллик имтиёзли давр билан ажратилмоқда. Бундан ташқари, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маб-лағлари ҳисобидан 2 сотихлик 20 та иссиқхона ишсиз, “Темир дафтар”, “Аёл-лар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га кири-тилган 20 нафар фуқарога берилган.

Президентимиз янги шаҳарчага та-рифи давомида иссиқхонада ҳам бўли-ди. Бу ерда “Ёшлар дафтари”га қирган йигит-қизлар, “Аёллар дафтари”да турганлар иш билан таъминланган.



Айни кунда Гулистонда 1252 хонадонга мўлжалланган, тўрт ва беш қаватли 61 та уй қурилиши якунига етказилляпти. Ҳозирги кунга қадар мингга яқин хонадон учун бошлангич тўлов қилиниб, ватан ичра ватанли бўлган янги уй соҳиблари энг замонавий шарт-шароитлар муҳайё қилинган масканларга кўчиб келди.

КИЧИК САНОАТ ҲУДУДЛАРИ

Давлатимиз раҳбари уларнинг деҳқон-чилиги, даромади, режалари билан қизиқиб, ҳеч қачон изланишдан, ўрга-нишдан тўхтамаслиқни, ёшларнинг би-лим олиши учун Фарғонада қўшимча имкониятлар яратилишини таъкидлади. Уларнинг деҳқончилиги, даромади, ор-зу-режалари билан қизиқди. Учрашувда ёшлар иссиқхонада, асосан, лимончилик билан шуғулланаётгани, қатор оралари-га бодринг, помидор, қалампир, сабза-вотлар экиб, даромад олаётгани, бунинг самарасида оиласи “Ёшлар дафтари”-дан чиққани ҳақида сўзлаб беришди.

“Чекирзаобод” маҳалла фуқаролар йиғинида яшаётган Отабек Мамада-лиев интилуван ёшлардан. Ишсизлиги боис, “Ёшлар дафтари”га киритилган-

Кичик саноат зоналари жаҳон тажри-басида ҳам ўзини оқлаб келяпти. Бун-дай ҳудудлар, аввало, саноат ишлаб чиқаришини жадаллаштиради, худуд-ларнинг инвестициявий жозибадорли-гини оширади, янги технологияларни жалб қилишга, тадбиркорлик фаоли-тини рағбатлантириш ва аҳоли банд-лигини таъминлашга кенг имкониятлар эшигини очади.

Хусусан, Фарғона вилоятида уму-мий майдони 700 гектарга яқин ҳамда 174 минг квадрат метрдан зиёд бино ва иншоотларга эга бўлган 89 та ки-чик саноат ҳудуди мавжуд. Шулардан

23 тасида ёшлар кичик саноат зона-лари ташкил этилган ҳамда уларга 540 дан ортиқ лойиҳа саралаб олинган. Ана шундай кичик саноат зонаси-дан бирининг фаолияти Бағдод туманининг янги қурилган шаҳарчасига туташ ҳу-дудда йўлга қўйилмоқда.

— Ҳозирги кунда “Мурувват” ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ҳудуди-да 4,1 гектар майдонда 23 та лойиҳа жойлаштирилган, — дейди Сардор Қо-рабоев. — Уларнинг қиймати 28,7 мил-лиард сўмни ташкил этади. Тадбиркор-лик субъектлари учун ажратилган ер майдонларида қурилиш-монтаж ишла-ри билан бир қаторда ишлаб чиқариш жараёнлари ҳам бошлаб юборилган. Улар тўлиқ ишга тушгач, 825 нафар йи-гит-қиз иш билан таъминланади.

Эътиборли жиҳати, мазкур кичик са-ноат зонаси минглаб иқтидорли, изла-нувчан ёшларнинг сеvimли даргоҳига, лойиҳаларини амалга оширувчи инно-вацион масканга айланиб борапти.

— Бу ерда мебель ишлаб чиқаря-миз, — дейди “Аброр” хусусий корхо-наси раҳбари Акмалжон Деҳқонов. — Жами 4 миллиард сўм инвестиция жалб этиб, Австриядан замонавий ишлаб чи-қариш жиҳозларини олиб келдик. Корхо-намизда 60 нафар маҳаллий ёш меҳнат қилмоқда.

Кичик саноат зоналарида экспорт-боп, импорт ўрнини босувчи махсулот ишлаб чиқарувчи лойиҳа ташаббус-корлари сони ортиб борапти. Бу бежиз эмас. Чунки кичик саноат зоналарида иш бошлаган, инвестиция жалб эт-ган тадбиркорлик субъектлари ер ва мулк солиғидан озод қилинган. Бундан ташқари, йўл, табиий газ, сув, электр энергияси билан ўзлашқиз таъмин-лаш, қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида олиб қуриляётган ишлар махсулот таннархини арзонлаштириш, сифатини ошириш имкони беради. Масалан, мебелсозликка ихтисослаш-ган кичик саноат зоналари учун наинки экспортни йўлга қўйиш учун имтиёз-лар, шу жумладан, 2023 йил 1 январга қадар ишлаб чиқаришда зарур бўл-ган айрим хомашё, эҳтиёт қисмлар, фурнитура ва аксессуарлар импорти-да божхона божининг ноль ставкаси қўлланилади.

Мазкур имкониятлардан Бағдоддаги алоҳида имтиёзга эга иккинчи ҳудуд — 6,4 гектар майдонни эгаллаган “Мурувват” мебелчиликка ихтисослаштирилган кичик саноат зонасидаги тадбиркорлик субъектлари ҳам фойдаланишлари мум-кин. Бу ердаги лойиҳаларнинг умумий қиймати 14,5 миллиард сўмни ташкил этиб, шундан 8,2 миллиард сўми тадбиркорларнинг ўз маблағи, 300 миллион сўм банк кредити ва 600 минг АҚШ доллари хорижий инвестиция ҳисобига тўғри келади. Яқин истиқболда бу субъектларда 580 нафар киши иш билан таъминланиши кўзда тутилган.

Сирасини айтганда, халқимизга хос яратувчанлик салоҳиятини намоён этган ушбу бунёдкорликлар янги Ўзбекистон солномасида янги саҳифалар очаяпти ва “Бағдод тажрибаси” сифатида юртимиз ҳудудларида ҳам шу каби йўлдош шаҳар-чаларни барпо этишда қўл келяпти.

Расулжон КАМолов, Абдурауф ҚОРЖОВОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбирлари

СУД-ҲУҚУҚ

ЎЗ УСТИДА ИШЛАШ, ЯНГИЛИКЛАРДАН ХАБАРДОР БЎЛИШ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Мамлакатимизда қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлашда сўнгги йилларда катта ютуқлар қўлга киритилди. Давлатимизнинг очиқ сиёсати туфайли ушбу ўзгаришларни бутун дунё кузатмоқда ва эътироф этмоқда. Президентимизнинг халқ фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, тинчлик-тотувликни асраш борасидаги ташаббуслари туфайли республикада жиноятдан холи маҳаллалар сони кўпаймоқда. Жиноятчиликка қарши замонавий криминалистика ютуқларидан кенг фойдаланишга эътибор қаратилиб, жиноятларни тезкорлик билан қош этиш имконияти кенгайди.



Таъкидлаш жоизки, бундай қайноқ жараёнларда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари ҳам фаол иштирок этаётир. Мазкур тизим мамлакатимизда ташкил этилган дастлабки йилларда-ноқ жиноятларни қош этишда фан-техника янгиликлари ҳамда яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб келмоқда. Фикримни биргина мисол орқали изоҳламоқчиман.

1992 йилнинг 30 ноябрь куни Самарқанд Олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳудудида рўй берган воқеа — воёга етмаган Елена Красикова-нинг фожиали ўлими билан боғлиқ ўта чигал жиноий ишни қош этишдаги изланишлар фикримиз далилидир.

...Уша куни қизнинг жасади топилганда, танасида турли жараҳатлар билан бирга, унинг жинсий зўрланганига доир аломатлар ҳам аниқланган эди. Аммо жиноятни ким қилгани, норасида қизни ким бу қўйга солгани ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса эшитмаган, ҳеч ким ҳеч нимани кўрмаган. Боз устига қотил на бирон из, на бирор далил қолдирган.

Ҳолат юзасидан Самарқанд ҳарбий прокуратури Шухрат Узаков томонидан эски таҳрирдаги жиноят кодексининг 80-моддасининг 8-банди (огирлаштирувчи ҳолатда одам ўлдириш) билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари бошлаб юборилди.

У даврлар — мустақиллиkning дастлабки йиллари, ҳар бир соҳада қайта тикланиш жараёнлари рўй бераётган огир паллалар эди. Ана шундай мураккаб бир вақтда, Олий ҳарбий билим юрти ҳудудида содир этилган ушбу муҳиш қотиллик жиноятини қош этишда ҳам қўллаб қийинчиликлар бўлди. Чунки қотиллик рўй берган айнан ўша пайтда мазкур Олий ҳарбий билим юртида таҳсил олаётган, собиқ иттифоқнинг турли ҳудудларидан келган курсантлар ўз юрларига қайтарилаётган эди. Бу эса қотилни топишни янада қийинлаштирди.

Олиб қилинган дастлабки тергов ҳаракатлари натижасида билим юртининг 7 нафар курсанти — Россия, Қозғистон, Украина, Беларусь Республикалари фуқаролари жиноят содир этишда гумон қилиниб, билим юрти ҳудудида чиқарилмай ушлаб турилди. Чунки жиноятни ушбу гумондорларнинг қайси бири содир этганини аниқ тасдиқловчи, инкор этиб бўлмас далил йўқ. Гумондорлар ўз юртига жўнатиб юборилса, жиноят очилмасдан қолиши муқаррар.

Жиноят иши юзасидан дастлабки тергов муддати якунланаётган бир вақтда бир неча хорижий давлат фуқароларини гумон қилинувчи тариқасида ушлаб туриш, жиноятни уларнинг бири содир этганига ички ҳис-сиётларга қўра ишонч кучи бўлса-да, буни исботлаш учун етарлича далил топилмагани туфайли Самарқанд ҳарбий прокуратури лавозимида хизмат қилган Шухрат Узаков жиноятни қош этишнинг ноанъанавий усулларини топиш устида изланарди.

У ҳар куни иш бошлашдан олдин, мамлакатимизда ва хорижда чоп этиладиган босма нашрлар — газеталарни ўқишга одатланган. Матбуотдаги соҳага доир янгиликлар, жаҳон айвонидаги вазият уни бефарқ қолдирмасди. Шу даврда Шухрат Узаков суд-ҳуқуқ соҳасига оид Москвада чоп этиладиган “Законность” журналида суд-тиббий экспертизанинг янги тури — ДНК экспертизаси ҳақидаги мақолани ўқиб қолди.

Мақолада бу экспертиза инсоннинг қон, сўлак ва бошқа ажратмаларини 99,9 фоиз аниқлик билан айнан кимга тегишлигини қош этиши қайд қилинган эди. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, ДНК ёки дезоксирибонуклеин кислота — бу специфик ноёб, кам учрайдиган молекула. Фақат тирик организмда бўладиган бу молекуланнинг ўзига хослиги шундан иборатки, ушбу кичик биологик структурада организмга хос барча маълумотлар жамланади.

Ҳарбий прокурор Шухрат Узаков эса жиноятни қош этишда мазкур экспертизани қўллаш зарурлиги ҳақида бир тўхтама келди. Аммо қандай қилиб буни уддалаш мум-

кин? Зеро, мустақиллигимизнинг илк йиллари, мазкур турдаги экспертиза амалиётга жорий этилмаган, ҳатто унинг имкониятларидан фойдаланиш имкони ҳам йўқ пайтлар эди. Маълумот учун айтиш лозимки, орадан 8 йил ўтгандан сўнггина, яъни 2000 йилда Ўзбекистонга мазкур турдаги экспертиза кириб келган. Аммо ҳарбий прокурор фикрида қатъий турди, узоқ изланишлардан сўнг Россия Федерацияси Москва шаҳрида жойлашган ушбу суд-экспертиза бюросининг бошлиғи Гуртова Светлана Владимировна билан телефон орқали суҳбатлашишга муваффақ бўлди. Суҳбат давомида жиноятни қош этиш бўйича ушбу экспертиза имкониятлари ҳақида фикр алмашган, мазву ҳарбий билим юртида рўй берган қотилликка кўчди. Бюро бошлиғини бу экспертизани ўтказишда амалий ёрдам беришга кўндирди. Шу тариқа мамлакатимиз тарихида биринчи марта ДНК экспертизаси ўтказилди.

Жиноятни очишда ўзида жиноят изларини сақлаб қолган ашёвий далиллар, хусусан, марҳум Е.Красикованинг мурдасида аниқланган қон излари кимга тегишли эканлигини аниқлаш юзасидан хорижий давлат экспертиза муассасасига ДНК экспертизаси тайинланиб, жиноят иши ашёвий далиллар билан Шухрат Узаковнинг шахсий жавобгарлиги остида Москва шаҳрига юборилди.

Орадан икки ой ўтгандан сўнг, жиноят иши эксперт хулосаси билан Самарқанд ҳарбий прокуратурасига келиб тушади ва марҳумда аниқланган қон излари ва бошқа далилларга қўра, гумон қилинувчи Қозғистон Республикаси фуқароси Кенжебаев Заурга тегишли экани маълум бўлади. Натижада жиноятга доир тафсилотлар ойдинлашиб, ҳақиқат рўёбга чиқади.

Саккиз ойдан ортиқ давом этган тергов ҳаракатлари натижасига қўра, жиноят иши бўйича билим юрти курсанти Кенжебаев Заур Сапаровичга нисбатан эски таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси ЖК 80-моддасининг 8-банди (огирлаштирувчи ҳолатда одам ўлдириш) ва 94-моддаси 4-қисми (номусга тегиш) билан айблов эълон қилиниб, жиноят иши мазмунан қўриб чиқиш учун ҳарбий судга юборилди. Ҳарбий суднинг 1993 йил 1 ноябрь кунги ҳукмига қўра, адолат қарор топиб, Кенжебаев Заурга тегишли жазо берилган.

Таъкидлаш жоизки, ҳарбий шаҳарчада яшовчи аҳоли онгиди ушбу содир этилган муҳиш жиноятни мустақил ўзбекистон прокуратураси қош этишга қолдирми ёки йўқ, деган хавотирли ўй ҳам йўқ эмасди. Ҳарбий прокуратура томонидан жиноятнинг қош этилиши, жиноятчи эса суд томонидан жазога тортилгани бундай хавотирли ўй-хаёлларга тўлақонли жавоб бўлди. Бу эса уларни Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига нисбатан бўлган ишончининг янада ортишига олиб келди.

Хулоса қилиш мумкинки, инсон қай соҳада фаолият юритмасин, улкан масъулият, жавобгарлик туйғуси кишини тарқ эмаслиги керак. Қолаверса, юзага келган муаммолар вазиятларнинг ечими ҳар қанча мураккаб бўлмасин, қўл қовуштириб ўтириш ярамайди. Уни ҳал этиш сари йўл излаш, бор билим ва имкониятларни ишга солиб, фақат мақсад сари дадил одимлаш чин маънодаги ватанпарвар инсоннинг ишидир. Ўз устида мунтазам ишлаш, шу соҳа ривожини йўлида тер тўкиш, дунё янгиликларидан хабардор бўлиб бориш ҳар қайси соҳа эгасига фақат ва фақат муваффақият келтирган.

Баҳодир ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокурорининг
биринчи ўринбосари

ИНВЕСТИЦИЯ

Қўшработ тумани Самарқанд вилоятининг энг чекка ҳудудларидан бири. Аҳолиси асосан чорвачилик ва узумчилик билан шугулланиб келади. Туманда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича ҳам катта тажриба тўпланган. Ишлаб чиқариш имкониятларининг ўсиб бораётгани ҳудудга инвестиция кириштиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай шароит яратмоқда. Шу боис, Қўшработда ўз бизнесини йўлга қўйиш истагиди бўлган хорижий ва маҳаллий тадбиркорлар сони тобора ортиб бормоқда.

ҚЎШРАБОТ:

Бугунги кунга қадар туманга умумий ҳисобда 1,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинди. Туркиянинг “Alihan organic agro LLC” МЧЖ хорижий корхонаси эса қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари



етиштириш ва қайта ишлашга мўлжалланган лойиҳа рўёби учун 590 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя киритди.

— 250 гектар ерга лаванда гули, 50 гектар майдонга олхўри, 30 гектарга ток ва яна 60 гектарга ёноқ ва бодом қўчатларини ўтказдик, — дейди хорижий корхона раҳбари Али Бақлан. — Уларни парвариш-лаш учун 30 нафар доимий ва 90 нафар мавсумий ишчи меҳнат қилмоқда. Лаванда ўсимлиги маҳаллий иқлимга тез мослашади. Ушбу гулдан олинган ёғ тиббиётда ва парфюмерия саноатида кенг қўлланилади. Шу боис, дунё бозориди у ноёб хомашё ҳисобланади. Бир гектардан

6 тоннагача ҳосил олиш мумкин. Биз тайёрлаётган маҳсулот тўғридан-тўғри Францияга экспорт қилинади. Эндликда мева-сабзавотни қайта ишлашга қаратилган лойиҳалар ижросига киришялмиз.

Шунингдек, “Хайби Группс” МЧЖ қўшма корхонаси ўтган йили Жанубий корейлик инвесторлар билан ҳамкорликда ташкил этилган. Мазкур тадбиркорлик тузилмаси Қўшработда каннабис ўсимлиги етиштириш ва қайта ишлаш билан шугулланмоқда.

— Мазкур лойиҳага яқин бир йилда 100 миллион АҚШ долларилик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция кириштириш мўлжаллаялмиз,

НАВҚИРОН АВЛОД

АҚЛ-ЗАКОВАТ ВА ИЛМ — ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Аҳмадали ҒАФУРОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими

Ғайрат-шижоатли ва билимли ёшлар юртимизнинг бекиёс куч-қудрат манбаи ҳисобланади. Улар қалбида ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш, янгиланаётган Ўзбекистонга ва келажакка ишончини янада ошириш ривожланаётган жамиятимиздан ҳар бир йигит-қизнинг муносиб ўрин топиши учун кенг имконият яратади. Миллий анъана ҳамда қадриятларимизнинг умрбоқийлигини таъминлайди.

Биз, нурунийлар ёшларга оид изоҳотларни, эътиборни ҳис қилган ҳолда, юритилаётган сиёсатнинг нақадар чуқур аҳамият касб этишини биламиз ва қувватлаймиз. Зеро, XX асрнинг уруш ва ундан кейинги йилларида улғайган авлод, меҳнат фронти иштирокчилари қандай қийинчиликларни, моддий етишмовчиликларни бошдан ўтказганини эслаб, бугунги тинчлик ва фаровонлик билан таққосласа, ҳозирги ёшларнинг ҳаётига ҳар жиҳатдан ҳавас қилса арзийди.

Ҳозирги ёшларнинг яшаш шароити, талабалик даври биз яшаган, ўқиган даврнинг мутлақо акси — ҳамма нарсаси етарли, бекам кўст. Жаҳонда техника, технологиялар, компютерлаштириш ва ахборот коммуникацияларининг тараққий топиши Ватанимиз ёшлари ҳаёти, онги, фикрлаш тарзи ва дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бинобарин, меҳнат қилиш, таълим олиш, саёз тафаккурга хос бўлган ажнабий эътиқод ва гоғлар қиришига имкон бермаслик, китоб ўқиш, ишбилармонлик ва ҳалол тадбиркорлик савиясини янада ошириш, ақлий қобилият, эстетик дидни ривожлантириш, ишлаб чиқаришга ҳисса қўшишга қаратил-



ган миллий таълим-тарбияга катта эътибор қаратишимиз лозим.

Ҳаётий тажрибамдан чиқарган хулосам шуки, жисмоний ва маънавий тарбиянинг фойдаси руҳий саломаатликда намоён бўлади. Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Ойбек, Александр Дюма, Пушкин, Некрасов каби ёзувчи-шoirлар-

нинг бадий ижод намуналарини ўқиб, инсон ҳам жисмоний, ҳам маънавий тафаккурга эга бўлиши, уни ўз ҳаётида амалий намойиш этиши мумкинлигига амин бўласиз киши. Ҳақиқатан ҳам, китобдан яхши дўст, маслаҳатчи ва ҳаётни ҳар томонлама ўргатувчи бўлмаса керак.

Глобаллашув жараёнида дунёда ҳар бир инсон онги ва тафаккур учун жиддий мафқуравий қураш кетаётгани аниқ ҳақиқатдир. Мамлакатларнинг бирида ёвузлик,

нинг бадий ижод намуналарини ўқиб, инсон ҳам жисмоний, ҳам маънавий тафаккурга эга бўлиши, уни ўз ҳаётида амалий намойиш этиши мумкинлигига амин бўласиз киши. Ҳақиқатан ҳам, китобдан яхши дўст, маслаҳатчи ва ҳаётни ҳар томонлама ўргатувчи бўлмаса керак.

Глобаллашув жараёнида дунёда ҳар бир инсон онги ва тафаккур учун жиддий мафқуравий қураш кетаётгани аниқ ҳақиқатдир. Мамлакатларнинг бирида ёвузлик,

бошқасида маданий-маърифий кўринишлардаги ўзаро қураш ҳар биримиздан, айниқса, ёшлар тарбияси билан шугулланадиган профессор-ўқитувчилардан бу қурашга теран назар ташлашни талаб этади. Дунёда кечаётган турфа жараёнларни ақл-идрок ва тафаккур билан сарҳисоб этишга, фикрлашга ундайди.

ҳамкорлари билан Россия, Туркия, Беларусь, Украина, Эрон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон, Афғонистон, Қозғистон, Канада, Грузия, Бирлашган Араб Амирлиги каби 15 та мамлакатга ўз маҳсулотларини етказиб бермоқда.

— Худудни жадал ривожлантириш юзасидан инвестиция жалб қилиш ва йирик лойиҳаларни амалга ошириш дастури қабул қилинган. Ушбу дастурга асосан, 2021—2026 йиллар учун умумий қиймати 3,8 триллион сўмлик 157 та лойиҳа ишлаб чиқилди, — дейди Қўшработ тумани ҳокими ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи Шавкат Раззоқов. — Айни пайтда дастур доирасида умумий қиймати 75,6 миллиард сўмлик 62 та лойиҳа ишга туширилиб, 243 та янги иш ўрни ташкил этилди. Тасдиқланган дастурдан ташқари умумий қиймати 38,6 миллиард сўмлик 23 та қўшимча лойиҳа ишга туширилиши эъзига 91 киши бандлиги таъминланди.

Худудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш салоҳиятидан самарали фойдаланиш, sanoat, хизмат қўрсатиш соҳалари, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бундай катта лойиҳаларнинг амалга оширилишида эса тўғридан-тўғри жалб қилинаётган хорижий инвестициялар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

БУЮК АЛЛОМАЛАР

ТАКРОРЛАНИБ
ТУРУВЧИ ТАРИХ

Толибжон НИЗОМОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси таянч докторанти

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган диёримиз қадимдан турли тамаддунлар туташуви натижасида нафақат тижорат, айни пайтда илм-фан, маданият ҳам юксак тараққий этган, шу билан бирга, турли динлар қарор топган замин бўлган. Мисол учун, юртимизда зардуштийлик дини қадимдан мавжуд бўлган бўлса, буддавийлик I–II асрларда, маздакийлик IV–VI асрларда кириб келган. Кушонлар даврида юқоридаги учала дин ҳам мавжуд бўлган. Лекин кейинчалик зардуштийлик дини бошқа динлардан устун келган.

Буддавийлик билан бирга унинг ҳикматлари, мақоллари ҳам халқ онгида унутила бошланган. Зардуштийлик динида буддавийликка нисбатан ҳикматлар, мақоллар камроқ бўлгани боис, маҳаллий халқ муқаддас ислом дини таълимотини тезда ўзлаштирган.

Турли маданиятлар ва динлар туташуви, ҳар бир тамаддун ва диннинг улғиси, айниқса, ислом динининг мустаҳкам таълимотига асосланган илм-фан тез орада юксак натижага эришши шубҳасиз эди. Шундай бўлди ҳам. IX–XI асрларда биринчи Ренессанс даври кузатилди. Бу даврда ислом маърифати асосида турли-туман фанларга қизиқиш кучайди. Маҳмуд Замахшарий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Муин Наса-

Иккинчи Ренессанс даври “ислом маданиятининг олтин асри” деб аталди. Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Кошии, Али Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саққокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Маҳмуд Музаҳҳиб, Камолиддин Беҳзод сингари мусаввирлар, қўллаб ҳаттот ва созандалар, мусиқашунос ва меъморларнинг шуҳрати дунёга ёйилди.

Ҳаёти ва илмий фаолияти биринчи Ренессанс даврига тўғри келган Абу Лайс Самарқандий турли илмлар, хусусан, фикҳ соҳасида фаолият юритиб, илк бор ўзидан илгари ўтган тўрт мазҳаб имомлари, жумладан, ханафий мазҳаби ийрик вакиллариининг фикр ва фатволари жамланган асарлар ёзди.

Абу Лайс Самарқандий фикҳ илмида юксак мартабага эришган, ўз замонасида унга тенг келадиган олим топилмас, унинг “ал-Фақиҳ” (тенги йўқ ислом ҳуқуқшуноси) деб аталиши эса шунга далолат қилади. Олимни зоҳид деб ҳам атаганлар. Зоҳид деганда, мансаб, амалдан йироқ, ҳаётини илм-фанга, ибодатга бахшида этувчи кишилар тушунилган.

Абул Маҳомид Ҳасийрий “ал-Ҳодий ал-Ҳасийрий” асарида “258/872 санада вафот этган Самарқанд ҳофизии фақиҳ Абу Лайс: “Самарқандда 40 йил фатво бердим, ушбу 40 йилда фақат илгари ўтган улаомларнинг сўзларига таяндим... Менинг китобимдан қиёмат кунги ғийбатдан бирор нарса чиқмайди. Эсимни таниганимдан бери (айрим китобларда ўнг қўлимни чап қўлимдан ажратганимдан буён, дейилган) ёлгон гапирмадим, ҳеч кимга қушнинг бошини сувга солиб кўтарганда бошида қолган сувчалик ёмонлик истамадим”, деган”. Абу Лайс фозил, тақводор, буюк имом бўлиб, юз минг ҳадисни ёд билган. У шайхул ислом даражасига кўтарилган. Ўз даврида энг зарурий илм — фикҳни эгаллагани боис, фатволар айтишга лойиқ бўлган ва унинг фатво ҳамда ҳикматли сўзлари кишилар орасида тарқалган.

Манбаларда алломанинг 24 нафар устози бўлгани келтирилади. Олимнинг барча устозлари ханафий мазҳаби улаомлари бўлиб, уларнинг кўпчилиги силсиласи Нўъмон ибн Собит Абу Ҳанифа, Абу Юсуф, Муҳаммад ибн Ҳасанга бориб тақалади. Китобларда Абу Лайс Самарқандийнинг 41 номдаги асари ҳақида маълумотлар учрайди. Броккельман, Фуат Севгин каби таниқли олимлар унинг 25 та асари жаҳон кўлёзма фондларида сақланаётганини айтиб ўтган.

Абу Лайс Самарқандийнинг ҳаёти ва илмий фаолиятини, унинг ислом динининг турли соҳаларида ёзган асарларини, айниқса, фикҳга оид 11 та, шу жумладан, биз тадқиқ этаяётган “Уюн ал-масоил” асарини ўрганиб (асар Ўзбекистон халқаро ислом академиясида таржима қилинган — Т.Н.), аллома вақтдан қандай ўзиб кетган экан-а, деган ҳайрат туғилиши табиий.

Олимнинг “Эсимни таниганимдан бери ёлгон гапирмадим”, деган гапи шу ҳайратимизга жавоб бўлади. Яъни, ёлгондан йироқ бўлиш барча бараканинг омилидир. Шу жиҳатдан бугун тобора ноёб бўлиб бораётган энг гузал фазилатлар — олий мақсад (Аллоҳ розилиги) га эришишда имон-этиқод, ҳалоллик, поклик, ростгўйлик, ўз устида тинимсиз ишлаш ва ҳокзо ҳислатларни ўзида мужассам этган боболаримиз юксак даражаларга эришдилар.

Халқимизда “Оққан дарё оқаверад”, деган гап бор. Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон ёшларининг томирларида дунё илм-фанига тамал тошини қўйган буюк мутафаккирлар қони оқяпти. Тарих такрорланиб туради. Юртимизда яна даҳолар туғилиши учун шароит бўлса, бас. Бугун ана шу шароит ва имкониятлар яратилляпти.

МУТАХАССИС МИНБАРИ

Юртимизда кейинги йилларда олиб борилган улкан ислохотлар боис, “Янги Ўзбекистон” номи мазмун-моҳияти билан барчани янгича қарашга, фикрлашга ундайдиган бўлди. Келажақда бу ибора “Ўзбек тилининг изохли луғати”га киритилиши шубҳасиз. Ўшанда Учинчи Ренессансга тамал тошини қўйган, мамлакатни маънавий, маданий ва иқтисодий жиҳатдан юксалтирган, шунингдек, давлат тили тараққиёти янги босқичга кўтарилган давр сифатида ҳам таъкидлаб ўтилса ажаб эмас.

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ
МАВҒЕИ ЯНАДА БАЛАНД БЎЛАДИ

Насимхон РАҲМОНОВ,
филология фанлари доктори, Ўзбекистон
Миллий университети профессори

Тилнинг нафақат сиёсатга, шунингдек, фанлар ривожига ижобий таъсир кўрсатганлиги ҳақида ҳам тарихий мисоллар бор.

Маълумотларга қўра, қадимги Римда грамматика барча фанлар учун, ҳатто математика ва тиббиёт учун ҳам пойдевор саналган. Абу Райхон Беруний эса, “Ҳиндистон” асарида грамматика ва шеър илми бошқа фанларни ўрганишга асос бўлганлигини қайд этиб ўтади.

Халқимизнинг кўп асрлик маданият, илмий-маърифий ва бадиий тафаккури ўзбек тилининг равнақи туфайли ривож топиб келди. Турк хоқонлиги, Қорахонийлар, Олтин Ўрда ва Темурийлар даврида ҳам туркий тилга (яъни ўзбек тилига) кенг омманнинг, хусусан, ҳукмдорларнинг муҳаббати қўллаб ижобий ўзгаришларни пайдо қилди. Шу ўринда бир далилни айтиб ўтганимизни деб биламиз: машҳур рус луғатшуноси Владимир Даль “Толковый словарь живого великорусского языка” (“Жонли рус тилининг изохли луғати”) ни тузиш учун 53 йил (!) умрини сарфлаган.

Асли касби шифокор бўлган олим — фольклор, халқ оғзаси ижоди, мақоллари воситасида жонли рус тили луғатини тўплашга муваффақ бўлди. Бу миллий тилга, халқига содиқлик, ҳақиқий ватанпарварлик намунасидир.

Беш жилддан иборат “Ўзбек тилининг изохли луғати” чоп этилганига ҳам анча бўлди. Эҳтимол, хатолари бордир. Аммо бу луғат Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти фидойи ҳодимларининг бир неча ўн йиллик машаққатли меҳнатлари эканини алоҳида эътироф этишимиз керак.

Тил ҳақидаги тарихий луғатлар, она тилимиз мавқеи борасида айтилган тарихий далиллар ҳам она тилига бўлган меҳр-муҳаббат, ифтихорни янада кучайтириши шубҳасиз. Жумладан, Аҳмад Югнакий “Ҳибат-ул-қаюийк” асарининг тилини кошғар тили деб айтади. Агар ҳар бир киши кошғар тилини билса, у киши адбиининг барча айтганларини англашини таъкидлаб ўтади.

Хон тили ва кошғар тили айни бир нарса, яъни Қорахонийлар сулоласининг давлат тили. Қорахонийлар даврида Марказий Осиёнинг кўп ўлкаларида қадимги туркий адабий тил катта мавқеда бўлган.

Бу туркий адабий тил Олтин Ўрда адабий тилининг шаклланиши ва ривожига асос бўлди. Мана шу оралиқда чигатой тили майдонга чиқди ва Олтин Ўрда адабий тилининг ривожланишига туртки берди. Бу номлардан кўринадики, ўзбек тилининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган қадимги туркий ва эски ўзбек тилининг бир қатор номлари асос бўлди.

Ўзбек тили ва унинг турли даврлардаги номи, ҳолати тўғрисида тизимли билим бериш зарурат. Нафақат филолог талабалар, балки кенг оммани хабардор қилиш ҳам муҳимдир. Авлод ана шундай билимлар орқали она тили ҳақидаги салохиятини шакллантиради, унинг қадимийлигидан ғурур ҳиссини туяди.

Аммо ўзбек тили тарихи ҳақи-

да изчил билимни шунчаки кўча гапларига айлантириб юбориш, саводсиз, ўта саёз ёзилган китоблардан иқтибос олиш ёки муаллифларнинг ўз қарашларини палапартиш тарзда баён этиши қўллаб муаммоларни келтириб чиқаради.

Қўйда муаллиф Наргиза Эркабоевнинг абитуриентлар учун мўлжалланган ўзбек тили тарихига оид турли даврдаги терминлар ҳақидаги мулоҳазалари мени бир оз кескинроқ гапларни айтишга ўндади.

Эътибор беринг, китобнинг илк саҳифаларидаги қуйидаги жумлалардан абитуриент қандай қилиб ўзбек тили тарихига оид бирон жуяли маъно ёки мазмунни англай олади: “Ўзбек атамасининг унга қадар ишлатилган турк, сарт, чигатой сингари атамаларга нисбатан тилимизда барқарор бўлиб қолши, Шайбонийхон бошчилигидаги ўзбек уруғларининг Марказий



Осиёда ўтқоқлашуви, ҳокимиятни қўлга олиши билан боғлиқ.

Ўзбек тилининг тақомиллашувида Атоий, Саққокий, Лутфий сингари унлаб, юзлаб сўз усталари хизмат қилган бўлганлар, мавлоно Алишер Навоий унинг обрўйини дунёга танитди. Навоий даври ва Навоийгача бўлган даврда ўзбек тили турк лафзи, туркий тил номи билан юритилган. XVI асрдан ўзбек уруғларининг номи бутун халқимиз номига айланиб кетди. Шунингдек, ўзбек тили мўғуллар босқинидан сўнг шу ерда заалик қилган Чигатой номи билан, рус босқини даврида эса руслар томонидан сарт тили номи билан ҳам юритилди.

Демак, эски ўзбек тили XII-XIII асрдан XX аср бошларигача бўлган ўзбек тили тарихини ўз ичига олади ва жуда катта ёзма манбаларни муҳассамлаштиради (“Наргиза Эркабоева. Ўзбек тилидан маърузалар тўплами. Тошпирик ва саволлар. Тўлдирилган қайта нашри, 2019 йил, 9-бет).

Энг ачинарлиси, ўзбек тили тарихи ва шунинг муқобилида ўзбек этнонимини ҳамда бу этнонимнинг келиб чиқиши ҳақида абитуриент-



ларга билим беришни мақсад қилган “тилшунос”нинг билими ғариблигидан ўқинасиз ва нега зиммасига китоб ёзишдек масъулиятни олганига ажабланасиз. Уша “китоб”дан яна қатор иқтибослар келтиришимиз мумкин, аммо биричидан бетартиб фикрлар фақат ўқувчини қалғитиши мумкинлигини уйлаб, қўридаги мисолни етарли бўлар, деб ҳисобладик.

Ўқоридаги китобда муаллиф “сарт” сўзи ҳақида тўхталганда ҳақоратомуз маънода қўллаган деган қарши бу этнонимнинг асл тарихий маъносини асосиз инкор қилишга олиб келади. XIX аср иккинчи ярмида рус шарқшунослари ва туркологлари сартларнинг алоҳида этник гуруҳ эмас, балки келиб чиқиши ҳақидадан орийларга бориб тақаладиган ва шаҳарларда истиқомат қиладиган ҳамда савдо-сотик билан машғул бўлган ўзбекларни ҳам, тожикларни ҳам тушунган. Бу бахсу мунозаралардан маълум бўладики, тил ва этноним муносабатларида туркологиядаги қарашлар ҳар доим бир хил бўлавермаган.

Умуман, этник жараёнинг шаклланишида тил асосий омиллардан бири экани сарт сўзи таҳлилида намоён бўлади. Сарт, чигатой сўзлари этноним бўлмаса-да, уни айрим олимларимиз этник ном сифатида талкин қилганлари масалани бирмунча мураккаблаштирган. Биз “Ўзбек адабиётининг даврлаштириш масалалари” (2016 й.) монографиямида чигатой сўзи туркий тиллар ва туркий адабиёт тарихида алоҳида давр эмас, балки туркий тилшунос-ликка бир оқим сифатида фаолият кўрсатгани ҳақида сўз юритганимиз. Бугунги кунда ҳам жаҳон туркологиясида чигатой улуси ва чигатой тили терминлари этноним эмас, турк ва чигатой сўзлари асло ўзбек сўзининг маънодоши сифатида ишлатилмаган. Европаликлар чигатой терминини ҳозиргача ҳамда этнонимига нисбатан эмас, балки ўзбек тилига нисбатан қўллайди.

Ҳар қандай халқнинг она тили халққа маърифат етказишини асосий омил эканини алоҳида таъкидлашни истар эдик. Юсуф Хос Ҳожий Аҳмад Югнакийнинг Қорахонийлар сулоласидаги давлат тили, Навоий ва Хусайн Бойқаронинг Темурийлар салтанатидаги турк тилининг мавқеини кўтариш ҳақидаги сазй-ҳаракатларида ўзбек тилига муҳаббатни кўраимиз. Она тилига муҳаббатни алангала-тиш эса, ўз қўлимизда. Она тилининг равнақи халқнинг ҳар томонлама ривож топиб бораётганидан далолатдир. Янги Ўзбекистоннинг камолотида тилимиз янада катта хизмат қилиб, ўз мавқеини мустаҳкамлаб бораверади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташқилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 236. Буюртма — 3503.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусахҳиҳ: Асоят Аҳмадқўлова
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 22:15 Топширилди — 23:55

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru